ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 2 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00247

ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ ТРЕНАЖЁРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ ВА САБАБЛАРИ

Суннат Ҳатамович Қосимов
Жиззах политехника институти
logistic7707@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада таълим сохасида электрон таълим тренажёрларидан фойдаланиш тарихи унинг муаммолари сабаблари кўрсатилиб ўтилган. Шу билан бирга ушбуларни амалга оширишда ўқитишни такомиллаштириш, яъни янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига тарғиб қилиш, компьютерли автоматлаштирилган ўқитиш тизимини таълимда қўллаш лозимлиги ёритилган.

Калит сўзлар: Замонавий педагогик технологиялар, замонавий ахборот технологиялари, илмий ва ўкув-методик, ихтиро, таълим, дидактик, касб махорати.

PROBLEMS AND CAUSES OF USING ELECTRONIC EDUCATION TRAINERS IN EDUCATION

Sunnat Kosimov
Jizzakh Polytechnic Institute
logistic7707@mail.ru

ABSTRACT

The article gives information about the history of using e-learning simulators in the sector of education and the reasons of its problems. At the same time, in order to improve teaching in the implementation of the works showed above, it is necessary to work on the promotion of new pedagogical technologies in the educational process and the use of computer training in education.

Keywords: Modern pedagogical technologies, modern information technologies, scientific and educational-methodical, inventive, educational, didactic, professional skills.

КИРИШ

Ўзбекистан Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёев ўтказилган Ўзбекистон ёшлари форумига ташриф буюриб, нутқ сўзлаганда «Биз юртимизда қандай ислоҳотларга қўл урмайлик, аввало, сиз каби ёшларга, сизларнинг куч-ғайратингиз, азму шижоатингизга суянамиз. Барчангиз яхши биласиз, бугун ўз олдимизга улкан марралар қўйганмиз. Она Ватанимизда

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00247

Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга киришдик. Биз оила, мактабгача таълим, мактаб ва олий таълимни ҳамда илмий-маданий даргоҳларни бўлғуси Ренессанснинг энг муҳим бўғинлари деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли айни ушбу соҳаларда туб ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз. Ишонаманки, мамлакатимиз тараққиётининг янги пойдеворини яратишда сизлар сингари фидойи ва ватанпарвар ёшларимиз фаол иштирок этиб, муносиб ҳисса қўшадилар», деб таъкидлаб ўтган эди.

Дарс жараёнида замонавий педагагик технологияларни қўллаш, замонавий ахборот техиологияларидан фойдалаииш таълим жараёни сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Буниинг учун фанларни ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдананиш ижобий натижаларга эришишга имкон бермоқда. Бундай воситаларни тафсивловчи атамалар ва тушунчаларни киритишга турли ёндашувлар мавжуд. Кўпинча илмий ва ўқув-методик манбаларда улар педагогик дастурий воситалар, компьютерли ўқув воситалари, ўқув компьютерли дастурлар, ўқув мақсадли педагогик воситалар деб номланади. Ушбу атамалар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Биз компьютер ва телекоммуникация техникаларидан фойдаланиб ишлайдиган ва бевосита таълим олувчиларни ўқитишда қўлланиладиган воситаларни номлаш учун ўқитишнинг электрон воситалар» атамасидан фойдаланамиз.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш ўқитишни такомиллаштириш, яъни янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига кенг тарғиб қилиш, компьютерли автоматлаштирилган ўқитиш тизимини таълимда қўллаш, янги техникавий ва дидактик воситалар ҳамда мультимедиа имкониятларидан фойдаланиш, масофавий таълимни жорий қилиш орқали бажарилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ўқитишга технологик ёндашиш ўтган асрнинг 50 йилларида америкалик педагог олимлар томонидан олиб борилган. Лекин ўқитиш технологияси ўзининг ривожланиш тарихига эга бўлиб, унинг шакллари ҳар доим ахборот воситалари манбаига боғлик, ҳолда такомиллашиб келган.

Ёзув ихтиро қилинишидан аввалги даврда ҳамма тўпланган ахборотлар оғзаки шаклда шаклланган. Одам бир вақтнинг ўзида ҳам билимлар яратувчиси, ҳам сақловчиси, ҳам узатувчиси бўлган.

Ёзув ихтиро қилиниши фикр ривожланишида бурилиш даври бўлди. Ёзув фикрни текшириб, объектив, мустахкам бўлишига ва уни

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00247

ривожланишига имкон берди. Ахборотни сақлаш манбанинг пайдо бўлиши билимларни узатиш жараёнини осонлаштирди.

Китобларнинг чоп қилиниши эса ақлий мехнат доирасида инқилоб ясади ва зиёлилар синфининг пайдо бўлишига олиб келди. Улар, ўз навбатида, давлат таълим тизимини ҳамда ўқитиш жараёнида “аудитория-дарс” тизимини шакллантиришга асос яратдилар.

Аудитория-дарс доирасида ўқитиш жараёнининг технологияси шаклланди ва ривожланди. Ушбу технология китоб билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш ва такомиллаштиришдан иборат эди. Булар тез ўқиш кўникмаси, ўқитиш турлари, конспектлаш, хотирада сақлаб қолиш йўллари, адабиётларни қидиришпи уюштириш кўникмаси, маълумотлар билан ишлашдир.

НАТИЖАЛАР

Мутахассислар ўқитиш технологияси тушунчаси ва унинг ривожланишини уч босқичга бўлиб ўрганиш лозим деб ҳисоблайдилар.

Биринчи босқич — ўқитиш жараёнини фақат ўқитувчининг ўзи олиб борар эди. Таъкидлаганидек, инсон тажрибаси ўқитиш технологияси функциясини бажарган.

Иккичи босқич — дарслик ва қўлланмалар чоп этила бошлагандан сўнг ўқитиш технологияси мазмунида туб ўзгаришлар содир бўлди. Ўқитувчига ёрдам берувчи турли дидактик материаллар вужудга келди.

Учинчи босқич — ўқитиш технологияси мазмунан янада бойиди. Ўқитувчи ва талабалар учун юқоридагилар қаторига аудио-видео техник воситалари, ўргатувчи машиналар ҳам қўшилди.

Ўтган асрнинг 60 йилларида таълим техник воситаларининг ривожланиши ахборот сиғими ва ахборот ўтказиш тармоқларини кенгайтирди.

Ахборот сақлашнинг янги усуллари — магнит, рамқали оптик ёзувлар ва улар асосида яратилган магнит дисклари, дискеталар, компакт дисклар, CD-ROM кабиларнинг пайдо бўлиши ахборот сақлашниш компьютерлаштирилган тизими, лазерли алоқа тармоғи, микроэлектрон қурилмалар ва бошқа ахборот воситаларидан ўқув жараёнида фойдаланишга йўл очди. Натижада ўқитиш такомиллашди, “Компьютер технологияси” ва “Янги ахборот технологияси” каби тушунчалар вужудга келди. Бу технологиялар педагогик технологияни амалга оширишда замонавий техник

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00247

восита сифатида қўллана бошланди.

МУҲОКАМА

Асрлар давомида одамзоднинг маданий тараққиёти техник ихтиролар билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Ричаг, гилдирак, блок ибтидоий одамларга оғир юкларни кўтариш ва ташишга имкон берди. Бу, ўз навбатида, қўл ҳунармандчилигига йўл очди. Қўл ҳунармандчилиги асосида деҳқончилик, қурувчилик, денгизда сузиш касблари ривожланди.

Амалий куникмаларнинг тўпланиб бориши секин-аста назарий билимларга йўл очиб берди. Лекин қўл кучига асосланган турмуш жараёнида махсулот ишлаб чиқариш чегараланган эди. Ҳунарманд ўсталарнинг касб маҳорати индивидуал бўлиб, кенг оммага ёйилган.

Улар касб сирларини ўрнак сифатида шахсий меҳнатлари орқали шогирдларига ўргатганлар. Тараққиёт, ижтимоий ва маданий ривожланиш суст бўлган.

XVI асрга келиб ихтиро қилинган механик қурилмалар мускул кучини чегаралай бошлади. XVIII асрдаги илмий изланишлар ишлаб чиқариш соҳасидаги революцияга туртки берди. Пар машинасининг ихтиро қилиниши натижасида ҳамма мускул кучи билан ишлайдиган дастгоҳлар пар машинаси ёрдамида харакатланадиган дастгоҳларга алмаштирилди. Ихтирочилик, билимга булган чанқоқлик ушбу даврда авж олди.

Илмдаги ва ишлаб чиқаришдаги ўзгаришларга қарамай, келажак авлодни ўқитиш усуллари унчалик ўзгармади. Асрлар давомида китоб илм олишда асосий ёрдамчи бўлиб қолаверди. Албатта, ўқитувчилар чёт,

доска, глобус кабилардан аввалари ҳам фойдаланганлар. Лекин аудиторияларини хақиқий механизациялаш XX асрнинг иккинчи ярмидан амалга оша бошлади.

Бу даврда электрон техника, ҳисоблаш техникаси, ядро энергетикаси, космос, кибернетика соҳасида катта кашфиётлар қилинди, улар асосида янги техника ва технологиялар яратилди, автоматлаштирилган заводлар барпо қилинди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда фан ва техника соҳасидаги бу улкан ўзгаришлар шу соҳада ишловчи кадрлар сонининг, чоп қилинаётган мақолалар сонининг ва иқгисодий харажатларнинг экспоненциал ўсишига олиб келди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00247

Биринчидан, информация битмас-туганмас бўлиб, осон ва тез нусхаланади, тежамли, экологик тоза, сақлаш вақтига боғлиқ эмас.

Аҳоли сонининг ўсиб бориши билан бир қаторда у борган сари “ёшариб” ҳам борди. Ўсувчилар сонининг узлуксиз ўсиши ва уларнинг замонавий таълим олишлари учун зарур бўлган илм миқдори, яъни информация миқдорининг кўпайиб бориши маориф соҳасида қийин муаммоларни вужудга келтирди. Маълумки, ўқув режаларини ва ўқитиш соатларини чексиз ошириш мўмкин эмас. Шу сабабли ўқитиш жараёнининг ички имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, яъни уни жадаллаштириш, оптималлаштириш зарурияти туғилди.

Ўқитиш жараёнини жадаллаштириш ва оптималлаштириш деганда ўқувчи ва педагогнинг меҳнат самарадорлигини оширувчи, вақт бирлиги ичида ўқув информацияси миқдорини ўқувчиларга етказишни кўпайтирувчи ва уни яхши ўзлаштиришга имкон берувчи тадбирлар назарда тутилади. Педагогик технологияда ўқитиш жараёнини жадаллаштириш ва оптималлаштириш тадбирларидан бири ўқув мазмунини баён қилишда кургазмалилик тамойилини тарғиб қилиниши, замонавий компьютерли аудио-видео, мультимедиа имкониятларидан кенг фойдаланищдир.

REFERENCES

1. Лапчик М.П. и др. Методика преподавания информатики: Учеб. пособие для студ. пед. вузов/ Под общей ред. М.П. Лапчика. М.,
2. Hamidov J.A. (2016). Main Components of information Culture in Professional Teacher education in Informatization of Society// Eastern European Scientific Journal-Germany, №1. –P.102- 105.
3. Косимов, С., & Рахматуллаев, М. (2020). ТАЛИМ ДЖАРОЙОНИДА ИННОВАЦИЯ УСЛУБЛАРНИ ИШЛАБ ЧИКИШ ВА ДЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ДЖИХАТЛАРИ. В Инновациях ривожланишда ижтимоий-гуманитарный фанатинг долзарб масалалари (стр. 464).
4. Исроилов, Ф. И., & Норқулов, А. Я. (2021). ЮКЛАРНИ ИСТЕЪМОЛЧИ МАНЗИЛИГА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ЖАРАЁНИНИ БОШҚАРИШ МОДЕЛИ. Academic research in educational sciences, 2(1).
5. Iskandarovich, U. I. (2021). Theoretical Fundamentals of Introduction of Electronic Educational Tools to the Educational Process. Central asian journal of theoretical & Applied sciences, 2(1), 1-7.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00247

6. Asqarov, I. B (2017). Bo'lajak kasb ta'limi o'qituvchilarini tadqiqot faoliyati uchun tayyorlashning asosiy bosqichlari. *Sharqiy Evropa ilmiy jurnali*, (5).

7. Аскаров, И. Б. (2017). Управление и планирование процессом формирования исследовательских умений и навыков будущих преподавателей профессионального образования. *Школа будущего*, (2), 10-15.

8. Аскаров, И. Б. (2017). Основные подходы и принципы подготовки будущих педагогов профессионального обучения к исследовательской деятельности. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (2-6), 25-32.

9. Аскаров, И. Б. (2016). Подготовка к исследовательской деятельности будущего педагога профессионального обучения. In *Педагогическое мастерство* (pp. 39-42).